

✖ Мавзу:

✖ Ишлаб чықарыш жараёнларидағи заарлы омиллар ва улардан химояланиш тадбирлари.

✖ Режа:

- ✖ 1. Корхоналарда мекнатни муҳофаза килиш ишларини ташкил этиш\
- ✖ 2. Мекнат муҳофазасынн назорат қилувчи давлат органлари.
- ✖ 3. Корхоналарда хавфсиз ишлаш усулларини жорий этиш.
- ✖ 4. Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этиш

1.1. Корхоналарда меҳнатни мухофаза килиш ишларини ташкил этиш.

Саноат корхоналарининг иш жараёнида шикастланиш ва қасбий қасалликларни камайтириш давлат мицёсидаги ижтимоий-икқисодий ахамиятта эга булиб, меҳнат мухофазаси булими раҳбарият ва қасаба уюшмалари билан хамкорликда чоратадбирлар белгилайди. Корхонада юз берадиган хар кандай баҳтсиз ходисага корхона биринчи раҳбари ва бош мухандис бевосита жавобгар хисобланади.

Саноат корхоналарида Конун асосида меҳратни мухофаза этиш масалаларини хал килиш мақсадида, хар йили қасаба уюшмаси ташкилотлари билан хамкорликда меҳнат мухофазаси чора-тадбирлари ишлаб чиқилади

- ✖ Мехнат шароитининг яхшиланишга олиб келадиган жами тадбирлар мазмуни буйича куйидагиларга бўлинади:
- ✖ - бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Буларга заарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, химоя мосламалари, туsicklar, автоматик химоя воситалари, сигнал мосламалари, масофадан бошкариш асбобларини кушимча урнатиш ва бошкалар киради;
- ✖ - ишлаб чиқаршда касб касалликлари олдини олиш чора тадбирлари. Унда ишчиларни ҳар хил касбий заарлар таъсиридан химояловчи мослама, жихозларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хоналарни шамоллатиб туриш мосламаларини урнатиш, хамда ишлаб турган мосламаларни уз вактида таъмирлаш,
- ✖ - хаво таркибини дойимий равигда текшириш, хамда назорат ўрнатиш учун асбоб-ускуналар олиш, ўрнатиш ва бошкалар киради;

- ✖ - **мехнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари.** Бунга мехнатни мухофаза килиш масалаларини ёритувчи кургазмали хоналар, бурчаклар ташкил килиш, иш жойларини унумли ёритиш, шовкин ва тебранишларга карши умумий чора-тадбирлар қўллаш, маҳсус ечиниш, юваниш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, кийимларни маҳсус тикиш хоналарини ташкил этиш киради.
- ✖ - Ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни тадбик этиш ва умумий реконструкция килиш хам меҳмат шароитини яхшилаш чора-тадбирларига киради. Бундан ташкари, корхона жамоаси, раҳбарлари тармок вазирликлари хамкорлигига мехнатни мухофаза килиш, меҳнат шароитини яхшилаш ва санитария-гигиена чора-тадбирларини ишлаб чикиб, тармок марказий касаба кумиталари билан келишган холда тасдикланади.

- ✖ 1.2. Мехнат муҳофазасини назорат қилувчи давлат органлари.
 - ✖ Барча вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарда мехнатни муҳофаза килиш қоидаларига амал килинишини назорат этиш Узбекистон Республикаси Бош прокурорига юклатилган.
 - ✖ Мехнатни муҳофаза килиш қоидалари бажарилаётганлигини назорат органлари кузатиб боради. Тармок касаба кўмитасининг техник инспектори хар бир саноат корхонасига бириктириб куйилган. У корхонада мехнатни муҳофаза килиш қоидалари бажарилаётганлигини, баҳтсиз ходисага учраганлар хисобга олинаётганлигини назорат килади, оғир ёки ўлим билан тугаган ҳодисаларни гурух билан бирга тахлил килади, мехнатни муҳофаза килиш қоида ва меъёрларини бузганларни жавобгарликка тортиш максадида тегишли жойларга маълумот юборади.

- ❖ Техник инспектор янги ускуналарни қабул килишда катнашади хамда бир вақтнинг ўзида улар янги объектларни фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиясининг аъзоси хисобланиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг бажарилаётганлигини назорат килади.
- ❖ Саноат корхоналарида хизмат курсатаётган касаба уюшмасининг инспектори меҳнатни муҳофаза кдлиш булими раҳбарлиги остида иш олиб боради.
- ❖ **Санитария назорати.**
- ❖ Саноат корхоналарида давлат санитария назоратини-Узбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташки мухитни саноатнинг заарли чикиндилари билан ифлосланишининг, саноат корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга каратилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш белгилаб кўйилган.



Санитария-эпидемиология станцияларининг вакиллари

капитал қурилиш объектларини кабул килишда қатнашади, касбий захарланиш ва касалланиларни текширади, корхона маъмурияти билан биргаликда бу касалликларни йукотиш чора- тадбирларини куради. Сув хавзаларидан туғри фойдаланиш ва ташландик сувларнинг сув хавзаларига қушилиши масалалари билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош санитария-эпидемиология бошқармасининг махаллий санитария-эпидемиология станциялари шуғулланади



Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги («Узсаноатконтехназорат» агентлиги) Республика давлат боиқаруви, назорат қилиш ва текшириш органи хисобланади, уз фаолиятида Узбекистон Республикаси Конституциясига, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишларига, Олий Мажлис Конунларига, Вазирлар Маҳкамасининг карорлари ва фармойишларига амал килади. У технологик меъёрларнинг бузилмаслигини, шунингдек, хавфсизлик техникасининг коида ва кўрсатмаларига риоя килинаётганлигини кузатиб боради.

- ✖ Бундан ташқари, бу орган босим остида ишлайдиган буғ қозонлари ва идишларининг холатини, сув иситиш козонларининг иссик сув ва пар берадиган кувурлар, юк кутарувчи кранлар, лифтлар, экскалаторлар ва одамларни ташийдиган осма арқон йулларининг холатини кузатади, хамда коидалар бузилмаёттандырылигини текшириб туради.
- ✖ «Узсаноатконтехназорат» саноат корхоналаридағи козон, агрегатлар, кутариш қурилмаларини текшириб, ишлаши учун рухсат беради ва уларни руйхатга олади. У капитал қурилиш объектларини кабул килиб олишда ва корхонада янги ускуналарни фойдаланиш учун кабул килишда, назорат остидаги объектда буладиган баҳтсиз хдгшсалар сабабларини аниклашда қатнашади.

- ✖ Ёнгин хавфсизлиги олдини олиш назорат органи.
Ёнгин хавфсизлиги назорати Республика Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза килиш Бош бошкармаси ва маъалмий органлар зиммасига юқлатилган.
- ✖ Энергетика назорати.
- ✖ Давлат энергетика назорати Узбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади. Унинг асосий вазифаси электростандияларни, электр ва иссиқдик курилмаларининг техник холатини ва уларда хавфсиз хизмат курсатишни назорат кдлиб турищдан иборат. Энергетика назорати электр кувватидан тўғри фойдаланилаётганлигини ва электр курилмаларининг техник холатини кузатиб боради

- ✖ 1.3. Корхоналарда хавфсиз ишлаш усуларини жорий этиш.
- ✖ Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан катъи назар ишга қабул килинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги буйича йўрикдомалар билан таништирилиши шарт. Иўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.
- ✖ Кириш йуриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-коидалари, шу жараённинг узига хос заарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш ва баҳтсиз ходиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади

- ✖ Иш жойидаги йўрикдантирув цех бошлиш ёки навбатчи бошилик иштирокида уста ёки сардор томонидан ўказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси, иш жойи техника хавфсизлиги йуриги билан танишади. Йуриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичидаги тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлаш билими комиссия томонидан қоникрли деб баҳолангандаги ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йуриқлантирув маҳсус журнал ва ишчининг шахсий варакасига ёзиб қўйилади.
- ✖ Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камида бир маротаба иш жойидаги йўриқлантирув кайтариб турилади. Технологии жараён ўзгарганда, корхонага янги машина ва агрегатлар ўрнатилганда, цехда захарланиш ва баҳтсиз ходисалар туфайли шикастланувчилар кўпайса, унда режадан ташқари йурикнома ўтказилади.

- ✖ Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усулари буйича махсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар, газда ишлайдиган машина ва аппаратлар, компрессорлар, электр ускуналарда ишлайдиган лифтлар, электр транспорта хайдовчилари, газ хамда электр пайвандчилар ва шунга ухшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни куиишдан олдин уларнинг билими синаб кўрилади ва уларга «нарядга рухсат» берилади. Унда ишни бошлаш ва тугатиш вақти, ишни бошлашдан олдин тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзиб кўйилган бўлади.
- ✖ Нарядга рухсатлар бош мухандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси буйича аттестациядан ўтган булиб, хавфли ишлар буйича жавобгар хисобланадилар ва корхона директори томонидан тайинланади.

- ✖ Саноат корхоналарига мөннатни мухофаза қилиш масалалари буйича ўқитиш ва тарғибот қилиш максадида техника хавфсизлиги хоналари ташкил этилади. Унда техника хавфсизлигига оид кўлланмалар, маҳсус адабиётлар, замонавий шахсий химояланиш воситалари бўлиши зарур. Бундай хоналар умумий йўриқлантирув ўтказища фойдаланилади.
- ✖ 1.4. **Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этиш.**
- ✖ Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва хисобга олиш хақидаги Низомга биноан мөннат фаолиятини йўқотишга сабаб булган хар бир шикастланиш холларини текшириб чикиб, шу хакда Н-1 намуна буйича 4 нусхада далолатнома тузади. Бош мухандис далолатнома ва кўриладиган чора-тадбирлар режасини тайёрлайди. Бахтсиз ҳодиса сабабини бартараф килиш хакида буйруқ биринчи раҳбар томонидан тасдиқланади ва уни бажариш учун маъсул киши тайинланади, амалга ошириш муддати белгиланади.

- ✖ Гурхий, оғир жарохат ва ўлим билан тугаган шикастланишларда Н-1 намунали далолатномани тузиш билан бир вактда бахтсиз ходисалар махсус журналига кайд килиб куйилади. Н-1 намунаси буйича тузилган далолатномаларга асосланиб корхона маъмурияти хисобот тайёрлайди ва юқори ташкилотларга юборади. бунда меҳнат фаолияти факт уч кундан ортиқ йўқотилган ходисаларнигина инобатга олинади. Н-1 намунали далолатномалар идора архивида 45 йил сакланиши керак.
- ✖ Бахтсиз ходисани уз вактида, тугри ўрганиш ва хисобга олиш, унинг сабабларини пухта тахлил килиш хамда бундай ходисалар такрорланмаслиги учун бутун жавобгарлик ходиса содир бўлган идора (ташкилот, муассасалар)нинг биринчи раҳбари зиммасига юкланди.
- ✖ Хисоботлар иши саноат тармокларида, халқ хужалигидаги ишлаб чиқариш ва транспортда руй берган шикастланишлар динамикасини баҳолаш ва унта карши кураш йулларини белгилашга имконини беради. Шикастланиш ишлаш қобилияти йўқотилган ёки йуқоталмаганлигидан катий назар хар бир ходисани тўла хисобга олиш учун тиббиёт шахобчалари ва санитария қисмларида рўйхатга олиб борилади. Бу маълумотларни тахлил этиш Н-1 намуна хисоботлари асосида аникданади.

- ❖ Шикастланишларнинг тахлилини меҳнат гигиенаси буйича шифокор ва унинг ёрдамчиси, меҳнат хавфсизлиги бўлими, хамда соғломлаштириш шахобчаси тиббиёт-санитария кисми шифокорлари билан биргаликда олиб боради.
Шикастланишларга карши тадбирлар кўриш режаси тахлил асосида тузилади. Тахлил килиш ва маълумотларни статистик жихатдан ишлаб чиқишда шикастланишларнинг кўп-озлиги частота кўрсаткичларининг оғир ва енгиллигига боғлик:
Частота кўрсаткичи 1000 ишчига булганда шикастланишнинг ўртача сони куидаги формула буйича ифодаланади:

$$\times \quad \Pi = H \cdot 1000 / P \quad (1)$$

- ❖ Бу ерда: Π — қайгариш коэффициента;
- ❖ H — муайян давр ичидаги шикастланишлар сони (ой, чорак, ярим йил, йил);
- ❖ P — ишловчилар сони.

- ✖ Майиб булишлик оғирлик коэффициенти, вакгинчалик иш куни йукотишни ўрнатилган ўртача давомийлик бир баҳтсиз ходиса учун:

$$\times \quad \Pi = D / H \quad (2)$$

- ✖ Бу ерда: Π — оғирлик коэффициента; D — йукотилган иш кунлари йигиндиси; H — шу давр ичида содир булган баҳтсизликда шикастланган шахслар сони.
- ✖ Шикастланиш оғирлиги курсаткичи маълум даражада частота кўрсаткичини тулдириб беради, юз берган шикастланишларга бир хилда баҳо бериш мумкин булмайди, чунки уни шикастланувчининг:
 - ✖ а) жароҳат хусусиятига (механик, термик ва бопща);
 - ✖ б) касби (токар, слесар, юк ташувчи ва бошқа);

- ✖ Шикастланиш оғирлиги курсаткичи маълум даражада частота кўрсаткичини тулдириб беради, юз берган шикастланишларга бир хилда баҳо бериш мумкин бўлмайди, чунки уни шикастланувчининг:
 - ✖ а) жароҳат хусусиятига (механик, термик ва бопща);
 - ✖ б) касби (токар, слесар, юк ташувчи ва бопща);
 - ✖ в) меҳнат стажи;
 - ✖ г) ёши;
 - ✖ д) жинсига караб таҳлил қилинади.
- ✖ Шикастланишни хар томонлама тўлдирувчи белгиларини назарга олган ҳолда таҳлил килиш, унга карши курашнинг самарадор режасини тузишга имкон беради.
- ✖ Бундай режани меҳнат гигиенаси буйича шифокор, меҳнат муҳофазаси муҳандиси ва тиббиёт-санитария кисмининг шифокори биргаликда тузиб, унинг муддатида бажарилишини назоратга олади.

- ✖ Шикастланишнинг олдини олиш ишини ташкил этища сигнализация йули билан дасоблаш ва тахлил килишининг тезкор шакли мавжуд булиб, бу жуда киска муддат ичида (хафта, ой) ўтказилади. Унга куйидаги маълумотлар киритилади:
 - ✖ 1) цех;
 - ✖ 2) асбоб -ускуналар туркуми;
 - ✖ 3) вакги.
- ✖ Шулар асосида шикастланиш хавфи булган жойлар аниқланади ва унинг сабаблари бартараф этилади. Ишлаб чикаршда шикастланиш деб, корхона худудида булган даврда киши танасининг бирор аъзоси тасодифан шикастланиши натижасида саломатлигига путур этишига айтилади

- ✖ Бахтсиз ходисалар содир булишининг олдини олиш, асосан, маъмурият раҳбарлари жавобгарлигига булиб, назорат ишлари меҳнат муҳофазаси булими зиммасида булади. Шикастланишнинг сабабларини урганиш, мухандис-техник соҳасига тегишли масалалар, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ишчилар саломатлигини" мустахкамлашга оид масалаларни хал этишда тиббиёт-санитария кисмидаги шифокорлар масъулдирлар.
- ✖ **Шикастланишлар турига қараб:**
 - ✖ - механик (яра тошиши, синиш);
 - ✖ - термик (иссикданиш, куйиш, совук уриш);
 - ✖ - кимёвий (куйиш, Уткир захарланиш);
 - ✖ - электр кувватидан шикастланишларга булинади.
- ✖ **Шикастланиш жойига қараб:**
 - ✖ - оёқ, ва бош шикастланиши (куздан бопща), гавда, қўл (бармокдардан ташқари), шунингдек, кўп жойларнинг шикастланишига булинади

- ✖ Шикастланишлар келиб чиқишининг асосий сабаблари.
- ✖ Техник жихозларнинг носозлиги натижасида дастгохларнинг тухтаб колиши, тасмаларнинг узилиб кетиши ва шу каби ходисалар шикастланишларга олиб келади. Бунга уларнинг ўз вақтида эҳгиёт юзасидан таъмир қилинмаганлиги, узлуксиз ишлаши натижасида айрим кисмларнинг ишдан чиқиши сабаб булиши мумкин. Шундай ходисалар руй бермаслиги учун меҳнат хавфсизлиги буйича жавобгар шахсларнинг доимий назорати талаб этилади.
- ✖ Технологик жараённинг бузилиши натижасида термик, кимёвий жароҳатланиш ва ўткир захарланишлар юзага келади. Бунинг олдини олиш учун режа асосида ишчиларнинг билимини ўз вақтида текшириб туриш ва йурнома ўtkазиб туриш катта ахамиятга эгадир. Кўл кучи билан бөгқариладиган ишлар, транспортларга юк ортиш ва тушириш жараёнларининг етарли даражада механизациялаштирилмаганлиги меҳнат шароити яхши ташкил қилинмаганлигини билдиради.

- ✖ Ишлаб чикариш хажмига нисбатан иш корхоналарининг кичиклик килиб қолиши, тайёр махсулотларни *saiganr* хоналарининг (омборларининг) шароити коникарли булмаслиги, махсулотни тайёрлов жойларидан уз вактида олиб кетилмаслиги, йулларнинг тор булиши шикастланиш хавфининг ортишига сабаб булади.
- ✖ Корхоналарда санитария холати кониқарсиз булишининг асосий сабабларига хоналар сатхининг сирпанчиклиги ва текис булмаслиги, корхона ховлисидаги йулакнинг уйдум-чукурлиги, ёритиш курилмалари кувватининг камлиги, дераза ойналарининг чанг босиб кетиши, чанг ва газлар миқдорининг меъёри¹³ дан ортик булиши натижасида диккат-эътиборнинг кучайиши, шовкин босимининг кщори булишини мисол килиб келтириш мумкин.

- ✖ Шикастланишнинг куп учрайдиган сабабларидан бири ишчиларнинг толикиб колишидир, чунки бунда ишга бўлган эътибор пасайибгина қолмай, балки ишчилардаги харакат йуналиши хам бузилади. Бундай холларда шикастланиш меҳнат кунининг сунгги соатларида ёки режада кўрсатилгандан ортикроқ меҳнат килиш натижасида юз беради. Бинобарин, ишлаб чиқариш шароитини соғломлаштириш ва ишчиларнинг толикиб колмасликларига шароит яратиш, факат касбга алокддор касалликларнинг эмас, балки шикастланишнинг хам олдини олади.

- ✖ Адабиётлар.
- ✖ 1. Узбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза килиш тугрисида»ги қонуни.
- ✖ 2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маздсамасининг «Ишлаб чиҳдари ўзгаришларни бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлини инг бопча хил заарланишини текшириш ва хисобга олиш туррисицаги Низомни тасдоцлаш хакдца»ги 1997 йил 6 июндаги 286-сонли Қдрори.
- ✖ 3. Узбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг «Мезднат шароитлари буйича иш хойларини баздолаш ишларини угказиш тартиби здакдда» 1993 йил 25 февралдаги 2/18-сонли қдрори.
- ✖ 4.А.К>, Кудратов. Ипакчилик саноатида меҳнат мухофазаси. Т., «Узбекистон», 1995, 232 бет.
- ✖ 5.Х Х-Шомирзаев. Мезднат муздофазаси ва ёнкшнинг олдини олиш тадбирлари. Т., «Уқитувчи», 1984, 21 бет.
- ✖ 6.ТА-Раниев.Ту^имачилик саноатида мезднат муздофазаси. Т., «Узбекистон», 1995, 150 б.
- ✖ 7.В.А.Пчелинцев, Д.В. Коптев, Г.Г. Орлов. Охрана труда в строительстве. М ., 1991. 8. Инженерные решения по охране труда в строительстве. Справочник строителя.Под ред.Г.Г.Орлова, М .,1985.
- ✖ 9. Пожаровзрывоопасность веществ и материалов и средства их тушения.Справочник. М., 1990.
- ✖ 10.СНиП 2.01.02—85.Противопожарные нормы.М.,1990.
- ✖ 11.СНиП 2.09.02-85.Производственные здания.М ., 1986.